

Алижон РАВШАНОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат
туризми кафедраси ўқитувчиси,
Email: alijon.ravshanov@gmail.com

ИСЛОМ МОЛИЯСИДА МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛИК ТАМОЙИЛИ

ПРИНЦИП ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ В ИСЛАМСКОМ ФИНАНСИРОВАНИИ

PRINCIPLE OF LIMITED LIABILITY IN ISLAMIC FINANCE

Аннотация: Ушбу мақолада масъулияти чекланганлик тушунчаси, тамойиллари ва унинг хусусиятлари ислом молияси нуқтаи назаридан ўрганилган. Шунингдек, мақолада “юридик шахс” тушунчасининг шариатда қабул қилиниши ёки қилинмаслиги масаласи ҳам ёритилган.

Таянч иборалар: масъулияти чекланганлик, юридик шахс, вакф, байтул-мол, шерикликдаги мулк, қарз ҳолатидаги мерос.

Аннотация: В данной статье исследуются понятие, принципы и характеристики ограниченной ответственности с точки зрения исламских финансов. В статье также обсуждается вопрос принятия понятия “юридического лица” в Шариате.

Ключевые слова: ограниченная ответственность, юридическое лицо, вакф, байт ул-мал, совместная собственность, долги полученные в наследство.

Abstract: This article studies the concept, principles and characteristics of limited liability from the perspective of Islamic finance. The article also discusses whether the concept of “legal entity” is accepted in Shari’a law or not.

Key words: limited liability, legal entity, waqf, bait ul-mal, joint property, inheritance under debt.

КИРИШ

Масъулияти чекланганлик тамойили ҳозирги кунда бутун дунёда, жумладан, мусулмон мамлакатларида ҳам тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ажралмас хусусиятига айланиб улгурди. [10] Ушбу мақолада биз масъулияти

чекланганлик тушунчасини ўрганиб, уни ислом молияси нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз. Масъулияти чекланганлик атамаси кўпроқ иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасига оид бўлиб, у инвесторни корхонага киритган сармоясидан ортиқ зарарни қоплаш масъулиятдан озод қилади. Яъни корхона зарар кўрса, инвестор кўрадиган максимал зарар ўзи киритган сармоя қийматичалик бўлади, ундан кўп эмас. Кўрилган зарар унинг шахсий мулкларига – уй-жойи, машинаси ва ҳоказолар ҳисобидан қопланилишига йўл қўйилмайди. Банкрот бўлган корхона қарзларини узишга қурби етмаса, қарз берувчилар корхона инвесторига қарзни ўзининг шахсий мулкидан қайтаришни талаб қила олмайдилар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Айрим мамлакатларда масъулияти чекланганлик тамойили шерикчилик муносабатларига татбиқ этиб келинган бўлса-да, ҳозирда асосан компаниялар ва корпоратив фирмалар фойдаланадилар. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, масъулияти чекланганлик тамойили корпоратив фирмалар ва акциядорлик компаниялари вужудга кела бошлаган пайтларда пайдо бўлган. Бундай тамойилни истеъмолга киритишдан асосий мақсад инвесторларнинг шахсий мулклари дахлсизлиги таъминланиши кафолатини берган ҳолда катта ҳажмдаги лойиҳалар учун иложи борица кўпроқ инвесторларни жалб қилиш бўлган. Замонавий иқтисодиётда ҳам ушбу тамойил сармоя эгаларини инвестиция қилишга рағбатлантирувчи катта омил эканлиги ўз тасдиғини топган.

Масъулияти чекланганлик тамойили компания инвесторлари учун фойдали эканлиги шубҳасиз. Лекин, бошқа томондан, бу кредиторлар (қарз берувчилар) манфаатларига зид келади. Агар компаниянинг қарзлари унинг соф активларидан ортиб кетса ва қарзларини тўлай олмаса, бу компания банкрот деб эълон қилинади ва ликвидация қилинади. Бунда компания кредиторлари ўз ҳақларини тўлиқ ололмай қоладилар ва катта зарар кўрадилар, чунки компаниянинг қарзи унинг соф активлари етгунча қопланади, етмаганига эса корхона эгаси жавоб бермайди. Кредиторлар компания эгаларидан қарзнинг қолган қисmini талаб қила олмайдилар. Ҳаттоки компаниянинг

ишига масъул бўлган бошқарувчилар ҳам бундай ҳолларда кредиторларнинг талабини қондиришга жавобгар бўлмайди. Масъулияти чекланганлик тамойилининг айнан мана шундай нохуш жиҳатлари шариат олимларини бу масалани ўрганишга чақирган.

Албатта, масъулияти чекланганлик нисбатан янги тушунча бўлиб, қадимги фикҳий китобларда бу масалага аниқ тўхталиб ўтилмаган. Лекин ислом шариати бу масалани Қуръони карим, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатлари ва ислом фикҳи илми белгилаб берган қоидалар асосида ўрганиб чиқади, лаёқати етган олим ижтиҳод қилади. Агар ижтиҳод шариат уламолари томонидан биргаликда, иттифок билан ўрганиб чиқилса, нур устига нур бўлади, аммо бунинг учун ҳам қайсидир мужтаҳид-уламоларнинг шахсий ижтиҳодлари асос қилиб олинади.

Замонамизнинг забардаст ҳанафий олими Шайх Муҳаммад Такий Усманий мазкур масалани ўрганиб чиққан. Аммо ўз хулосасини масаланинг якуний ва мутлақ ечими дея даъво қилмай, уларни ўқувчилар дастлабки ўрганишлар натижаси деб қабул қилишларини сўраб ва бу иш келгуси тадқиқотлар учун дебоча бўлишига умид бирдирган. [6:153]

Масъулияти чекланганлик тамойили фирмаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан алоҳида «шахс» сифатида қаралишини тақозо этади. Ушбу тамойилга кўра, акциядорлик компанияси юридик шахс статусига эга ва акциядорлардан алоҳида индивиддир. Алоҳида шахс сифатида компания юридик жиҳатдан мустақилдир – унинг «исми» бор, мулкка эгалик қилиши ва иқтисодий муносабатларга киришиши мумкин. Иқтисодий муомалаларда ҳақиқий инсон – жисмоний шахс нима қилса, компания ҳам юридик шахс сифатида шундай қилиши мумкин. Яъни компания ўзининг номидан иш кўради, эгаларининг номидан эмас.

Бу ердаги асосий масала «юридик шахс» тушунчаси шариатда қабул қилинадими ёки йўқми деган саволдир. Модомики, «юридик шахс» ҳақиқий инсон бўлмаса ҳам, унга ҳуқуқий масалаларда инсонларга қилинадиган муносабат кўрсатилиб, ўзининг фаолияти оқибатлари учун ўзи жавоб берад экан, масъулияти чекланганлик тушунчасини ҳам бевосита унинг мантиқий давоми, натижаси деса ҳам бўлади. Сабаби оддий: агар инсон қарздор ҳолда вафот этса,

даъвогарлар унинг қолдирган меросидан ортиқ нарса ололмайдилар. Агар марҳумнинг қарзлари унинг қолдирган меросидан кўп бўлса, даъвогарлар ана шу ўртадаги фарқ миқдорича зарар кўрадилар, ололмаган қисмларидан воз кечишдан ўзга чоралари ҳам бўлмайди.

Худди шунингдек, агар компанияни биз юридик шахс деб ҳисоблаб, унинг худди оддий инсондек ўз номидан иш кўриши, ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини тан олсак, банкрот бўлган компанияга ҳам шундай ёндашишимиз керак. Компания банкрот бўлса, у ликвидация қилинади. Унинг ликвидация қилиниши инсоннинг вафот этишидек гап, чунки ликвидациядан сўнг у компания эндиликда мавжуд бўлмайди. Оддий қарздор инсоннинг ўлими даъвогарларга зарар келтириши мумкин экан, юридик шахснинг қарзи юзасидан даъвогарлар ҳам зарар кўриши табиий ҳол, чунки унинг юридик жиҳатдан «ўлими» ликвидациядир.

Шундай қилиб, бу ердаги асосий масала – «юридик шахс» тушунчасини ислом фикҳи нуқтаи назаридан таҳлил этиш. Ушбу тушунча аввалги фикҳий масалаларда учрамаса ҳам, амалиётда моҳиятан юридик шахснинг хусусиятларини ўзида ифода қиладиган бир қанча мисоллар бор.

Вақф

Вақф бунга мисол бўлиши мумкин. Вақф инсон мулкининг бир қисмини диний ёки хайрия мақсадларида сарфлаш учун йўналтирадиган диний муассасадир. Бирор-бир мулк вақф (вақф мулки) деб эълон қилинса, у мулк ўша вақтдан эътиборан эҳсон қилувчи одамнинг мулки ҳисобланмайди. Бенефициарлар (вақфдан фойдаланувчилар) вақфнинг ўзидан ёки унинг самараларидан манфаат олишлари мумкин, аммо унинг эгаси саналмайдилар. Унинг эгаси ёлғиз Аллоҳ таолонинг ўзи ҳисобланади.

Фақиҳлар вақфга алоҳида юридик бирлик сифатида қараб, унга оддий инсонга хос айрим хусусиятларни татбиқ этганликлари кўриниб турибди. Буни фақиҳларнинг вақфга оид иккита қоидасидан ҳам билиб олса бўлади:

Биринчиси, вақфнинг даромадлари ҳисобига бирор-бир мулк харид қилинса, у мулк автоматик равишда вақфнинг бир қисмига айланмайди. Балки харид қилинган нарса вақф эгаллигидаги мулк деб қаралади. [1:417]

Бундан вақф худди оддий инсон каби бирор мулкка эгалик қилиши мумкинлиги ойдинлашади.

Иккинчиси, масжидга хайрия сифатида берилган пул вақфнинг бир қисми ҳисобланмайди, балки масжиднинг мулкига айланади. [2:240]

Бунда ҳам масжид бирор мулкка эгалик қилиши мумкинлиги айtilмоқда. Ушбу қондани баъзи моликий уламолар ҳам таъкидлаганлар. Уларга кўра, масжид бирор-бир нарсага эгалик қилиши мумкин. Инсонлардаги мулкка эгалик жисмоний эгалик бўлса, масжиднинг бу хусусияти конструктив эгалик дейилади. [3:80]

Моликийлардан яна бир машҳур олим Аҳмад ал-Дардир масжид фойдасига васият тариқасида мол-мулк қолдириш мумкинлигини айтган. Бу ҳам масжид бирор мулкка эга бўла олишини англатади. Шунингдек, Аҳмад ал-Дардир ушбу хусусият вақф деб тан олинган карвонсарой (меҳмонхона) ва кўприкларга ҳам тегишлилигини айтган.

Юқоридаги мисоллардан аён бўладики, фақиҳлар вақф мулкка эгалик қила олишини таъкидлашган. Маълумки, вақф инсон эмас, аммо мулкка эгалик қилиш масаласида унга инсонларга қилинадиган муомала қилинади. Мулкка эгалик қила олар экан, мантикий жиҳатдан у ниманидир сотиши ёки сотиб олиши, қарз олиши ёки қарз бериши, судга мурожаат этиши ёки унинг устидан шикоят қилиниши мумкин. Бошқача айтганда, «юридик шахс»нинг барча хусусиятлари унга татбиқ этилиши мумкин.

Байтул-мол

Аввалги фикҳий адабиётларда «юридик шахс»га мисол қилиб байтул-мол, яъни давлат хазинасини келтириш мумкин. Байтул-мол давлат мулки ҳисобланиб, давлатнинг барча фуқаролари ундан қандайдир манфаат олиш ҳуқуқига эга, аммо ҳеч ким байтул-молнинг эгасиман деёлмайди. Бундан ташқари, байтул-молнинг ҳам ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлади. Машҳур ҳанафий олимлардан Имом Сарахсий ўзининг «Ал-Мабсут» асарида шундай дейди:

«Байтул-молда бир қанча ҳуқуқ ва мажбуриятлар борки, у мажхул бўлиши мумкин». [4:33]

Бошқа бир ўринда муаллиф шундай дейди:

«Агар ислом давлатининг раҳбари кўшинларига маош тўлашда пулга эҳтиёж

сезса-ю, байтул-молнинг хароҷ бўлимида (одатда, маошлар шу бўлимдан берилади) пул қолмаган бўлса, у ҳолда маошлар садақа (закот) бўлимидан ажратилиши мумкин, аммо садақа бўлимидан олинган пуллар хароҷ бўлими учун қарз сифатида белгиланади». [5:18]

Бундан келиб чиқадики, нафақат байтул-молнинг ўзи, балки унинг бўлимлари ҳам қарз олиши ёки бериши мумкин. Олинган қарз давлат раҳбарининг бўйнида эмас, балки қарзни байтул-молнинг қайси бўлими олган бўлса, ўша бўлимнинг зиммасида бўлади. Бу байтул-молнинг бўлимлари ҳам алоҳида бирлик эканлигини, юридик шахс сифатида қарз олиб қарз бериши, дебитор ёки кредитор бўлиши, суд (қози)га шикоят қилиши ёки унинг устидан шикоят қилиниши мумкинлигини билдиради. Яъни фақиҳлар байтул-мол мисолида ҳам «юридик шахс» тушунчасини қабул қилганлари кўриниб турибди.

Акциядорлик жамияти, шерикликдаги мулк

«Юридик шахс»га янаям аниқроқ мисол акциядорлик жамияти ҳисобланиб, уни шофёийликнинг фикҳий манбаларида учратиш мумкин. Шофёий мазҳабидаги қондага кўра, агар икки ёки ундан ортиқ киши шерикчилик асосида бизнес фаолиятини юргизса ва уларнинг шерикчиликдаги мулклари бир-бирига аралашиб кетган бўлса, закот ҳар иккисидан олинади; нисобни аниқлашда шерикларнинг алоҳида улуши эмас, балки бутун бошли бизнес фаолияти ҳисобга олинади. Яъни шериклардан бирининг мулки нисобга етмаса-ю, аммо бизнесдаги активлар қиймати нисобдан ошса, ана шу активлардан закот олинади – бошқача айтганда, моли нисобга етмаган шерикнинг улушидан ҳам закот берилади. Индивидуал жиҳатдан у закот тўламайди, аммо унинг шерикчиликда юритаётган бизнеси закот тўлайди.

Худди шунга ўхшаш «хулта аш-шуюъ» қондаси чорва молларидан закот беришда қўлланилади. Натижада киши баъзан ўзининг индивидуал ҳисобдаги закотидан кўра кўпроқ ёки камроқ закот тўлашига тўғри келиши мумкин.

Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:

لا يجمع بين متفرق ولا يفرق بين مجتمع مخافة الصدقة

«Садақа (камайиши ёки кўпайиши)дан кўркиб, айри жам қилинмайди ва жамланган айрилмайди».

Хулта аш-шуюъ қондаси баъзи масалаларда моликий ва ҳанбалий мазҳабларида ҳам қўлланилади. Ўша масалаларда ҳам биз айтаётган «юридик шахс» тушунчасининг асосларини топишимиз мумкин. Унга кўра, закот тўловчи индивидуал инсон эмас, балки шерикчиликдаги бизнесдир. Бу эса шерикчиликдаги бизнес (ҳиссадорлик компанияси)га алоҳида иқтисодий бирлик сифатида қаралаётганини билдиради. Закот тўлаш айнан ўша «иқтисодий бирлик»ка юклатилмоқда – бу ҳам юридик шахснинг белгиларидан биридир.

Қарз ҳолатидаги мерос

Тўртинчи мисол – мулкдан кўра қарзи кўп инсон вафот этганда ундан қоладиган мерос. Қисқароқ қилиб уни «қарз ҳолатидаги мерос» дедик.

Фақиҳларга кўра, вафот этган одам қолдирган мулк ортқик уники ҳисобланмайди, чунки у энди ҳаёт эмас. Мулк унинг меросхўрлариники ҳам эмас, чунки мерос тақсимланишидан олдин марҳумнинг қарзлари тўланиши зарур. У мулк ҳатто кредитор (қарз берувчи)ларнинг ҳам мулки эмас, чунки бу ҳақда ҳукм чиқмаган. Қарз берувчилар фақат даъво қилишлари мумкин, аммо даъволари бажарилиб, ўз ҳақларини олмагунча мулк уларники ҳисобланмайди. Мазкур мерос ҳали бирор-бир кишига тегишли бўлмаган ҳолда мавжуд ва ҳуқуқий жиҳатдан алоҳида бирлик сифатида қаралиши мумкин. Марҳумнинг меросхўрлари ёки валийлари даъвогарлар қарзларини сўраб келмагунча мулкни худди менежерлар сингари идора қилиб туришади. Кредиторлар даъволари билан боғлиқ масалалар маълум бир харажатни талаб қилса, у ана шу мероснинг ўзидан қопланади.

Бу жиҳатдан қаралса, ушбу «қарз ҳолатидаги мерос» ўзи алоҳида бирлик бўлиб, бирор нарса сотиши ёки сотиб олиши, дебитор (қарздор) ёки кредитор (ҳақдор) бўлиши мумкин ва бу жиҳатлари худди «юридик шахс»никига ўхшайди. Бундан ташқари, юридик шахснинг мажбуриятлари унинг активлари билан чегараланган. Агар юридик шахснинг активлари ўз қарзларини узишга етмаса, кредиторлар қарзнинг қолган қисмига куядилар, уни меросхўрлардан талаб қила олмайдилар.

Юқоридаги мисолларда фақиҳларнинг ҳозирги юридик шахс тушунчасига яқин бўлган айрим иқтисодий бирликларни тан олганларини кўрдик. Ушбу мисоллар «юридик шахс» тушунчаси ислом фикҳида мутлақо бегона эмаслигини кўрсатади. Акциядорлик жамияти юридик шахс сифатида қабул қилинишига қаршилик қилувчи жиддий сабаб йўқ.

Аввал айтганимиздек, масъулияти чекланганлик тамойили «юридик шахс» тушунчасига бевосита боғлиқдир. Юридик шахс ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларида худди инсонлардек муносабатга киришса, у ҳолда ҳар ким ўзи эгалик қилаётган мулк доирасида жавобгар бўлади. Агар киши қарзларини тўламай вафот этса, унинг қарзларини тўлаб беришга ҳеч ким мажбур эмас (аммо, одатда, инсонийлик ва қариндошлик алоқаси юзасидан меросхўрлари ёки яқинлари қарзни ўз зиммаларига оладилар). Шу жиҳатни масъулияти чекланганлик тамойилига қиёс қилиш мумкин.

Қул эгасининг масъулияти чекланганлиги

Масъулияти чекланганлик тамойилига қулдорлик даврига оид мумтоз фикҳий масалалардан бир мисол келтирсак, мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бу мисол биз ўрганаётган мавзуга жуда яқин. Қулдорлик муассасаси йўқ бўлиб кетган бўлса-да, унга оид масалалар қадимги фикҳий адабиётларда сақланиб қолганлиги бизга янги замонавий муаммоларни ўрганишда жудаям қўл келади. Биз таҳлил этаётган масъулияти чекланганлик тамойилига энг ўхшаш мисол қулчилик муносабатларида топилди. [6:158]

Қадимда қуллар икки хил бўлган. Баъзи қулларга тижорий масалалар билан шуғулланишга эгалари рухсат бермаган. Бундай қулларни «қинн» деб аташган. Айрим қулларга эса эгалари тижорий ишларни амалга оширишга изн беришган. Бу тоифа қуллар «ал-абийд ал-маъзун» (изн берилган қуллар) дейилган. Улар тижорий фаолият билан шуғулланиш учун бошланғич маблағни эгаларидан олишган, аммо тижорий фаолиятда мутлақо эркин бўлишган ва ҳар қандай тижорий фаолият билан шуғуллана олишган. Қулнинг ишлаб топган даромади ва фойдаси эса эгасига тегишли бўлган. Агар тижорий фаолиятда қул қарздор бўлиб қолса, қарз қулнинг қўлидаги пулдан ва ундаги моллардан ундирилган. Агар

бу пуллар қарзни узишга етмаса, даъвогарлар кулни сотиб юбориш ва тушган пулдан ўз ҳақларини олиш ҳуқуқига эга бўлишган. Аммо шунда ҳам қарз тўлиқ узилмаса ёки қул вафот этса, қарзнинг қолган қисми учун қулнинг эгаси масъул бўлмаган.

Бунда қул эгаси моҳиятан бизнеснинг эгаси, қул эса бизнес юритиш воситаси сифатида қўрилмоқда. Қул тижорий фаолиятдан ҳеч қандай фойда олмаган. Шунингдек, қул эгасининг масъулияти қулга берган сармоясидан ортиқ эмас. Қул вафот этса ҳам, кредиторлар қул эгасининг шахсий мулкига даъво қилолмаганлар.

Бу фикҳий китобларда масъулияти чекланганлик тамойилига энг ўхшаш ва яқин мисол деса ҳам бўлади. Юқоридаги бешта мисолни ҳисобга олсак, исломда масъулияти чекланганлик тамойилига жиддий тўсиқ йўқлигини кўрамиз. Лекин, айтиш жоизки, масъулияти чекланганлик тамойилидан одамларни алдаш ва фирибгарлик мақсадида фойдаланиш мумкин эмас. Бунинг олдини олиш учун масъулияти чекланганлик тамойилини фақатгина акциядорлари кўп компанияларга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Чунки акциядорлар кўп бўлса, улар компания фаолиятининг кундалик ишларида қатнашиб юрмайдилар, шунингдек, уларнинг фириб устида бирлашиш эҳтимоли ҳам камаяди. [6:160]

Хусусий корхона ва ширкатлар (шерикчилик бизнеси) учун масъулияти чекланганлик тамойилини татбиқ қилмаган маъкул. Чунки бунда корхона эгаси ёки шериклар бизнеснинг кундалик фаолиятига ҳеч қандай қийинчиликсиз аралаша оладилар. Корхона ишида қатнашмайдиган шерик бундан мустасно – унинг масъулияти сармояси доирасида чекланишига изн берилиши мумкин. Агар ўша шерикка масъулияти чекланганлик тамойили татбиқ этилса, бу ислом фикҳи нуқтаи назаридан компания ишига масъул бўлган шериклар компаниядаги активлар қийматидан кўра кўп қарз олишларига рухсат берилмаслигини билдиради. Агар қарз активлар қийматидан ортса, бунга ишловчи шериклар жавобгар бўлади, чунки бунга сабаб бўлган ҳам ўзлари. Компания ишига аралашмаётган шерик ушбу қарзнинг ўз сармоясидан ортиқ қисмига жавобгар бўлмайди.

ХУЛОСА

Юқоридаги баҳсимизнинг хулосаси сифатида айтиш мумкинки, масъулияти чекланганлик тамойилини очиқ акциядорлик компанияларига татбиқ қилса бўлади. Шунингдек, ушбу қоида шерикчилик бизнесида уни бошқаришда иштирок этмайдиган шерикка нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Аммо ширкат ишига масъул бўлган шерикларнинг ҳамда хусусий корхона эгасининг масъулияти чекланмайди.

Шу ўринда мазкур баҳснинг бошида айтиб ўтган гапимизни яна бир бор такрорлаймиз. Масъулияти чекланганлик тамойили нисбатан янги иқтисодий тушунча бўлганлиги боис унга шаръий жиҳатдан ечим топишда ислом уламоларининг биргаликдаги изланишлари, ижтиҳодлар ёинки ижмолари зарур бўлади. Юқоридаги хулосалар, албатта, масаланинг якуний ечими эмас, балки бу борадаги илк изланишлар натижаси деб қаралиши мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Alloma Al-Humom Shayx Nizom & Hindiston Ulamolari “Al-Fatawa Al-Hindiyyah”, Vol. 2.
2. Alloma Al-Humom Shayx Nizom & Hindiston Ulamolari “Al-Fatawa Al-Hindiyyah”, Vol. 3.
3. Khurashi, Muhammad bin Abdullah “Mukhtasar Khalil”, Vol. 7, Dar al-Kutub al-’Ilmiyah, Beirut, Lebanon, 1997.
4. Sarakhsi, Shams ul-A’immah “Kitab ul Mabsut”, Vol. 14, Dar al-Kutub al-’Ilmiyah, Beirut, Lebanon.
5. Sarakhsi, Shams ul-A’immah “Kitab ul Mabsut”, Vol. 3, Dar al-Kutub al-’Ilmiyah, Beirut, Lebanon.
6. Usmani, Muhammad Taqi, “An Introduction to Islamic Finance”, Jamia Darul Uloom Karachi, Karachi, Pakistan, 1998.
7. Аминов Х., Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. Ўқув қўлланма. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2017.
8. Байдаулет Е. Исломий молия асослари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019.
9. Батирова Н., Абдурасулов Б. Ислом иқтисодиётида акциялар савдоси. Ислом тафаккури. – Тошкент, 2020, № 3. – Б. 114-116.
10. Равшанов А. Ислом молиясида ижара ва лизинг шартномалари. Ислом тафаккури. – Тошкент, 2020, № 2. – Б. 121-128.
11. Равшанов А. Ислом молиясида кафолат хизмати учун ҳақ олиш масаласи. Ислом тафаккури. – Тошкент, 2020, махсус сон. – Б. 102-104.
12. www.legal500.com/developments/thought-leadership/the-principle-of-limitation-of-liability-in-a-limited-liability-company/